# Qishloq hayoti

*O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi*

**2017** *йил* *Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили*

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | **2017-YIL 23-fevral, payshanba, № 23 (8730)-son** | **web sayt:** www.qishloqhayoti.uz


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон манфаатларининг тўлақонли ҳимояси ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон фуқароликка қабул қилиш борасида ҳам қонунийлик, инсонпарварлик ва ижтимоий бағрикенглик тамойилларига асосланган ҳолда инсон манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини тизимли равишда амалга ошириб боради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси демократик қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига содиқлигини намоён этиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ғоялари асосида ҳар бир инсоннинг фуқароликка бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолати, ирқи, миллати, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати ҳамда сиёсий ва бошқа эътиқодидан қатъий назар, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонун кучга кирган вақтда турли объектив ва бошқа ҳаётий шароитларга кўра мамлакат ташқарисида бўлган маҳаллий аҳоли, шунингдек, бошқа мамлакатларда туғилиб-ўсиб, Ўзбекистонни ўз Ватани сифатида дилдан тан олган, унинг тараққий этиши ва гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўшганлар қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 22-банди, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17, 30-моддаларига мувофиқ:

**1**. Қуйидаги шахсларнинг аризалари қаноатлантирилсин ва улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинсин:

1) **Абарова Насиба Гуламжановна,** 1965 йил 28 октябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

2) **Абдуллаева Данахан Хабибуллаевна**, 1972 йил 19 январда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

3) **Абдуллаева Умида Рисметовна**, 1985 йил 6 августда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

4) **Абдурахманова Кизилай,**1954 йил 21 февралда Жиззах вилоятида туғилган, қирғиз, Жиззах вилоятида яшайди;

5) **Агалиева Жанигул Хамзаевна**, 1968 йил 11 сентябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, озарбайжон, Тошкент шаҳрида яшайди;

6) **Айметов Уйгун Ташматович,** 1970 йил 6 ноябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

7) **Алвердиева Лейля Ихтияровна,** 1990 йил 30 июлда Жиззах вилоятида туғилган, ўзбек, Жиззах вилоятида яшайди;

8) **Анаркулов Фаррух Авазханович,** 1986 йил 9 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

9) **Анаркулова Мариям Максумовна,** 1960 йил 5 мартда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

10) **Аскарова Гавхарой Азимжановна,** 1971 йил 14 октябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

11) **Атабаева Мастура Хамировна,** 1971 йил 22 апрелда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

12) **Ахмедов Джахонгир Ахмедович**, 1983 йил 28 августда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

13) **Аюшева Зинаида Александровна**, 1953 йил 14 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

14) **Бабаева Зилола Джумабаевна,** 1975 йил 15 мартда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

15) **Бадалбаева Дильбар Патхуллаевна,** 1968 йил 27 майда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Муроджон исмли ўғли билан Тошкент шаҳрида яшайди;

16) **Баймуратова Кибриё Саидмуратовна,** 1968 йил 2 июнда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

17) **Бухаидзе Игорь Шалвович**, 1971 йил 28 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган, грузин, Тошкент шаҳрида яшайди;

18) **Васильева Ольга Сергеевна**, 1976 йил 28 апрелда Қозоғистон Республикасида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

19) **Гафуров Бахтиёр Валиджонович,** 1973 йил 16 апрелда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Баҳодиржон исмли ўғли ва Лайлохон исмли қизи билан Тошкент вилоятида яшайди;

20) **Демьяненко Вероника Анатольевна**, 1984 йил 12 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган, украин, Тошкент шаҳрида яшайди;

21) **Демьяненко Роза Дмитриевна**, 1958 йил 27 майда Тошкент шаҳрида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

22) **Джаббаров Атабек Кучкарович,** 1969 йил 12 июнда Хоразм вилоятида туғилган, ўзбек, Хоразм вилоятида яшайди;

23) **Ерназаров Фахритдин Тулкунович,** 1961 йил 23 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

24) **Заидова Ибадат Сайдиганиевна,** 1957 йил 19 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

25) **Ибрагимов Рашит Ушурович,** 1963 йил 1 январда Қозоғистон Республикасида туғилган, уйғур, Тошкент шаҳрида яшайди;

26) **Ибрагимова Зулфия Юнусовна**, 1989 йил 18 октябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

**(Давоми 2-саҳифада)**




## ҚУВВАТ КЎПАЙИБ, САРФ-ХАРАЖАТ КАМАЯДИ

**Қашқадарё** вилояти

Толлимаржон иссиқлик электр станциясида истиқболли лойиҳа асосида Жанубий Кореянинг "Hyundai Engineering and Construction and Daewoo international Corporation" компаниялар консорциуми томонидан 2 та буғ-газ қурилмаси барпо этилди.

– Мазкур энергоблокларнинг ишга туширилиши натижасида электр энергияси ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар камаймоқда, – дейди Толлимаржон иссиқлик электр станцияси унитар корхонаси директори Абдусами Нормўминов. – Қолаверса, корхонада электр энергияси ишлаб чиқариш йиллик қуввати 7,2 миллиард киловатт/соатга ортди. Эндиликда истеъмолчиларга йилига қарийб 13 миллиард киловатт/соат электр энергияси етказиб бериш имкони пайдо бўлди.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши билан ҳудуд саноатининг турли тармоқларида иқтисодий самарадорликка эришилмоқда.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

## ИҚТИСОДИЙ ЗОНА ИМКОНИЯТЛАРНИ КЕНГАЙТИРДИ

**Хоразм** вилояти

Ҳазорасп туманидаги "Xazorasp SHIRT" хусусий корхонаси пахта матоларидан тайёрланган турли дизайндаги кўйлакларни тўлалигича хорижга экспорт қила бошлади.

– Президентимизнинг мамлакатимиздаги бир неча ҳудудлар қаторида "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш ҳақида яқинда қабул қилган фармони фаолиятимизни янада ривожлантиришга имкон яратмоқда, – дейди корхона раҳбари Дилшод Абулов. – Эркин иқтисодий зона ҳудудидан корхонамизга ҳам 1500 квадрат метр ер майдони ажратиб берилди. Биз Хитойдан олтита замонавий дастгоҳ олиб келиб, пахта толасидан турли хил газламалар тўқишни йўлга қўймоқчимиз. Шу тариқа 12 та янги иш ўрни яратиш билан бирга, экспорт маҳсулотлари турини кўпайтириб, миқдорини ҳам бир неча баробарга оширмоқчимиз.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

## МОШ ЭКСПОРТИ ОШАДИ

**Сирдарё** вилояти

Гулистон шаҳридаги "Сирдарё савдо импекс" масъулияти чекланган жамияти мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари экспорт қилишда салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда.

Корхона ўтган йили 7 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 10 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

– Фаолиятимизни янада кенгайтиришни кўзлаб корхона тасарруфидаги 700 гектар майдонга мош экиш тадоригини кўряпмиз, – дейди корхона раҳбари Ойбек Ғуломов. – Бундан ташқари, шаҳарнинг ўзида логистика маркази очиш ва 1000 тонналик совиткич қуриш ишларини ҳам бошлаб юборганмиз.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Business Sweden" Швеция савдо ва инвестициялар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг геология ва минерал ресурслар, иқтисодиёт, машинасозлик, энергетика каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.**

## ЎЗБЕКИСТОН – ШВЕЦИЯ БИЗНЕС ФОРУМИ

*Пойтахтимизда 22 февраль куни Ўзбекистон – Швеция бизнес форуми бўлиб ўтди*

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Н.Дадахонова, "Business Sweden" кенгашининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ваколатхонаси раҳбари И.Власюк ва бошқалар Ўзбекистон билан Швеция ўртасидаги ҳамкорлик имкониятлари хусусида сўз юритди.

Форумда Ўзбекистоннинг геология ва минерал ресурслар, транспорт инфратузилмаси, савдо-саноат, энергетика соҳаларидаги муваффақиятлари, Швециянинг ахборот технологиялари, тоғ-кон, электр-энергетика, қурилиш каби соҳалардаги компаниялари фаолияти ҳақида маълумот берилди.

2001 йил 29 майда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Швеция Қироллиги ҳукумати ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисидаги битим ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

– Форумда мамлакатимизнинг ўн беш етакчи компанияси иштирок этмоқда, – деди Швеция Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ингрид Терсман. – Мазкур учрашувдан кўзланган мақсад савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Мамлакатингизнинг тоғ-кон саноати, темир йўллар каби соҳаларининг йирик корхона ва компанияларининг фаолияти билан яқиндан танишишни режалаштирганмиз.

– Компаниямиз инновацион компрессорлар, қурилиш ва тоғ-кон соҳаларида фойдаланиладиган техника воситалари ва машиналар ишлаб чиқаради, – деди "Atlas Сорсо" компаниясининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бош менежери Жорж Апостолопос. – Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар ҳамкорлигимизни янада кенгайтиришга имкон яратмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон билан Швеция ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, автомобилсозлик, энергетика ва энергия тежаш, электр техникаси, озиқ-овқат саноати соҳаларидаги сармоявий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, ички ва ташқи бозорларда талабгор бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Шу куни Ўзбекистон ва Швеция ишбилармонлари ўртасида кооперация биржаси бўлиб ўтди.

**Севара АЛИЖОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Жиззах** вилояти

## МИЛЛИЙ СПОРТ ОММАЛАШМОҚДА

*Мамлакатимизда ёш авлодни спортга кенг жалб этишга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида ўзбек жанг санъати ёшлар ўртасида тобора оммалашмоқда.*

Жиззах тумани транспорт ва саноат касб-ҳунар коллежи базасида ушбу миллий спорт тури бўйича ташкил этилган тўгаракда 115 нафар ўғил-қиз маҳорат оширмоқда. Ҳосилбек Жабборов, Маҳлиё Мелибоева, Дилшода Холмуродова, Муниса Давлатбоева, Сабрина Абдужалилова, Жавоҳир Холмуродов сингари ёш спортчилар мамлакатимиз ҳамда халқаро миқёсдаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаётир.

– Ўзбек жанг санъати замирида халқимизга хос мардлик, ватанпарварлик мужассам, – дейди мураббия Барно Қўшбоқова. – Ушбу спорт тури ёшларни жисмонан чиниқтириш билан бирга, уларда камтарлик, ҳалоллик, сабр-тоқат каби фазилатларни шакллантиради.

**ЎзА**



*Шерзод НАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.*

**Андижон** вилояти

## ИССИҚХОНАДА БАҲОР ТАРОВАТИ

**Шаҳрихон туманининг кўп асрлик тарихга эга бўлган кўҳна ва файзли масканларидан бири сифатида эътироф этиладиган Пахтаобод қишлоғи юзлаб зиёли кишилару миришкор деҳқонлари ва изланувчан тадбиркорлари билан эл орасида ўзига хос ном чиқарган. Қишлоқ оралаб хонадонларга кирар экансиз, барчани иш устида учратишингиз аниқ.**

Кимдир томорқасида лимон кўчатлари парваришини йўлга қўйган бўлса, бошқа бири мўъжазгина ерда зиравор экинлар етиштириб, рўзғори бутлигини таъминламоқда. Баъзилар эса йилига уч маротаба ҳосил етиштириб, каттагина даромад қилади. Кўпчилиги эртаки сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун баҳорги мавсумга тайёргарликни пухта қилиб қўйган. Умуман кундалик эҳтиёжга зарур бўлган барча маҳсулотлар қишлоқ аҳолисининг ўз томорқасида етиштирилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир хонадонда фаровонлик, файз ва қут-барака мужассам. Меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик, деб шунга айтсалар керак-да.

Шу қишлоқнинг Дўрмон маҳалласида яшовчи Содиқжон Матқаримов хонадони мана шундай меҳнати билан бошқаларга ибрат бўлаётган оилалардан.

Бу оила бир неча йилдан буён эртаки ва сархил сабзавот экинлари етиштириб келади. Ушбу хонадонда 11 та иссиқхона мавжуд. Айни кунларда ташқарида қиш фасли ҳукмрон бўлса-да, "термос" усулида барпо этилган иссиқхоналарда баҳор нафаси уфуриб турибди.

Уруғидан ундириб олинган 6 минг тупдан ортиқ помидор, қарийб 300 минг туп булғор қалампири ниҳоллари баравж ривожланяпти.

Янгиликларга қизиқувчан оила аъзолари ўтган йилдан бошлаб гул етиштиришга астойдил киришишди. Иссиқхонадаги 50 мингдан ортиқ елим тувакчаларда қаламча усулида парваришланаётган турфа гулларни кўриб, лол қоласан киши. Бири-биридан чиройли ҳолда бетакрор очилиб, кишини ўзига жалб этаётган гуллар ҳавасингизни келтиради. Гул шайдоларининг ҳафсалаю ҳаракатига беихтиёр офарин айтасан.

– Гул киши кайфиятини кўтарибгина қолмай, ҳар бир хонадонга ўзгача тароват бағишлайди, – дейди Содиқжон ака. – Шу боис, маҳалламизда гулчиликни ривожлантиришга қўл урдик. Ҳозир 20 хилдан кўпроқ гул етиштиряпмиз. Мисол учун, пальма, фикус, малача, шифлера, санхесса, бенжамин, гитара, хитой атиргули каби турли хил гул кўчатларини кўпайтириб, хонадонлар ва кўчаларимизнинг янада чирой очишига ҳисса қўшяпмиз.



Шундай эзгу ишларни амалга ошираётган хонадон соҳибига умр йўлдоши Жумагул опа, катта ўғли Сойибжон, қизи Камолахон, келини Мухлисахон яқин кўмакдош. Содиқжон ака ўз хонадонида қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ташқари зарур бўлган иссиқлик энергиясини ҳам ишлаб чиқаради. Қандай дейсизми? У киши уйидаги мўъжазгина мослама – кўмир кукунидан брикет ёқилғиси ишлаб чиқарувчи пресслаш ускунаси ёрдамида яшаш уйларию иссиқхоналарнинг барчасини иссиқлик энергияси билан таъминлаб келмоқда. Бу ҳам оилавий тадбиркорликдан далолатдир.

Қисқача айтганда, замон билан ҳамнафас бўлиб яшаётган тадбиркор юртдошимизнинг ибратли ишларидан андоза олса, арзийди.

**Умиджон МАМАРАСУЛОВ**

*Ишбилармонларнинг эркин фаолиятини рағбатлантиради.*

*Иқтисодиётни янада ривожлантиришга хизмат қилади.*

«Qishloq hayoti»
2017-yil 23-fevral, payshanba **№ 23 (8730)-son**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

27) **Ибрагимова Сайара Темирбаевна,** 1973 йил 16 ноябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

28) **Иргашев Икром Абдувахабович**, 1973 йил 1 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

29) **Ирисбекова Махбуба Тожиметовна,** 1972 йил 1 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

30) **Исманова Барна Миргамировна**, 1971 йил 22 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

31) **Кабилов Шавкат Исламович**, 1964 йил 16 февралда Жиззах вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

32) **Кадиров Икрамжон Анваржанович**, 1971 йил 25 июнда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

33) **Ким Лариса**, 1956 йил 7 майда Тошкент вилоятида туғилган, корейс, Тошкент шаҳрида яшайди;

34) **Княжева Олеся Олеговна,** 1989 йил 30 июлда Тошкент шаҳрида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

35) **Кодирова Махигул Абутовна,** 1969 йил 23 июлда Қозоғистон Республикасида туғилган, уйғур, Фарғона вилоятида яшайди;

36) **Курбанова Барно Миралиевна**, 1958 йил 8 январда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

37) **Мавриди Панайот Антонович,** 1938 йил 13 мартда Украинада туғилган, грек, Фарғона вилоятида яшайди;

38) **Мадраимова Умида Фархадовна,** 1985 йил 19 июлда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

39) **Мамаджанова Тахмина Джумабоевна,** 1986 йил 21 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

40) **Маманов Нодиржон Олимжонович,** 1984 йил 5 июнда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

41) **Маткаримова Бибимариям Ахметжановна,** 1974 йил 10 июлда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

42) **Миразизова Феруза Сламкуловна,** 1973 йил 27 апрелда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

43) **Мирохмедов Мирвали,** 1948 йил 8 июлда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

44) **Миррахимова Дилафруз Абдукаримовна,** 1986 йил 5 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

45) **Мисюра Варвара Владимировна,** 1986 йил 22 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

46) **Муминов Неъматилло Раҳмонович,** 1963 йил 7 ноябрда Навоий вилоятида туғилган, ўзбек, Навоий вилоятида яшайди;

47) **Муминова Мафтуна Неъматиллаевна,** 1990 йил 8 апрелда Навоий вилоятида туғилган, ўзбек, Навоий вилоятида яшайди;

48) **Мураметов Анваржон Каримович,** 1981 йил 7 июнда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

49) **Мурзахметов Усан Жорашович,** 1988 йил 28 январда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

50) **Муродова Гулноз Насиридиновна,** 1967 йил 4 апрелда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди;

51) **Набиева Гули Джамаловна,** 1963 йил 16 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

52) **Назарханов Фарход Ахмаджанович,** 1986 йил 3 октябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

53) **Наримова Сахобат Полатовна,** 1970 йил 5 июлда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

54) **Насирова Саодат Кудратуллаевна,** 1973 йил 21 июнда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

55) **Нуринбекова Мухтарам Артикбаевна,** 1964 йил 29 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

56) **Нурмухамедова Феруза Хидиралиевна**, 1985 йил 30 июнда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

57) **Парпиева Насибахон Мирзораимовна,** 1979 йил 3 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

58) **Раупов Бабир Ирисбаевич,** 1970 йил 23 октябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

59) **Рахмонов Нуъмонжон Неъматилло,** 1994 йил 17 январда Навоий вилоятида туғилган, ўзбек, Навоий вилоятида яшайди;

60) **Руденко Оксана Владимировна,** 1980 йил 3 февралда Россия Федерациясида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

61) **Садиков Эркин Джалолидинович,** 1987 йил 13 ноябрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Қашқадарё вилоятида яшайди;

62) **Сайдакбарова Мукаддас Анарбаевна,** 1965 йил 11 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

63) **Сайдуллаев Шахзод Алихонович**, 1983 йил 24 январда Россия Федерациясида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

64) **Салимбаева Гульфара Мирхамидовна,** 1971 йил 13 декабрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

65) **Скворцова Елена Сергеевна,** 1983 йил 13 июнда Туркманистонда туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

66) **Таирова Нигора Исмаиловна,** 1992 йил 28 июнда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сирдарё вилоятида яшайди;

67) **Ташбаева Найма Хурсановна**, 1974 йил 20 сентябрда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

68) **Турдикулова Айжамал Худайназаровна**, 1961 йил 20 майда Қашқадарё вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

69) **Турсинметова Умида Таир кизи**, 1982 йил 26 мартда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

70) **Турсинметова Шоира Таирхан кизи**, 1984 йил 23 мартда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

71) **Умаров Ахад Махамадалиевич,** 1962 йил 23 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

72) **Умарова Гузал Бахтияровна,** 1987 йил 12 августда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

73) **Уролова Умеда Акпаровна,** 1968 йил 29 майда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди;

74) **Усманов Алишер Турсунпулатович**, 1988 йил 27 майда Россия Федерациясида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

75) **Усманов Дилшод Хидиралиевич,** 1982 йил 29 апрелда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

76) **Усманов Уктам Хидиралиевич**, 1980 йил 9 мартда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

77) **Усманов Фарход Хидиралиевич**, 1977 йил 20 майда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди;

78) **Фозилов Аскаржон Рахматилович,** 1972 йил 5 мартда Украинада туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

79) **Хажеев Александр Евгеньевич**, 1989 йил 2 январда Тошкент шаҳрида туғилган, рус, Тошкент шаҳрида яшайди;

80) **Халибаева Фатима Махмудовна,** 1973 йил 7 майда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

81) **Хамракулова Еркиной Турсунбаевна,** 1970 йил 23 апрелда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

82) **Хасанбаева Рузахон Кучкаровна,** 1967 йил 6 декабрда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

83) **Хемдемова Зулмира Хемракулиевна,** 1973 йил 6 февралда Туркманистонда туғилган, туркман, Тошкент шаҳрида яшайди;

84) **Хидралиев Али Абдинабиевич**, 1979 йил 9 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

85) **Ходжаев Искандар Январжонович**, 1989 йил 10 августда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

86) **Ходжаев Январжон Джахонгирович**, 1957 йил 17 декабрда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

87) **Ходжиева Нигора Абдусоликовна**, 1979 йил 18 мартда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

88) **Хушвактова Элеонора Абдувакаюмовна**, 1985 йил 21 июлда Украинада туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

89) **Цой Ольга Викторовна**, 1974 йил 19 апрелда Беларусь Республикасида туғилган, корейс, Тошкент шаҳрида яшайди;

90) **Шадманов Фазлиддин Инамутдинович**, 1971 йил 16 июнда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди;

91) **Шаимкулов Фуркат Шаимкулович**, 1971 йил 22 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

92) **Шерметов Махмуд Муратханович**, 1986 йил 28 январда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

93) **Эргашев Халикжан Атаджанович,** 1963 йил 21 майда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди;

94) **Юлдошова Хабиба Ҳамраевна,** 1971 йил 28 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

**2.** Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари С.И.Самадов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 22 февраль



**Фарғона** вилояти

ЎзА сурати

**Фарғона** вилояти

# ЯНГИ ҚУВВАТЛАР ИШ БОШЛАЙДИ

## БУНДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН “ҚЎҚОН” ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

**Маълумки, саноат салоҳиятини юксалтириш, ички бозорни рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдириш, мавжуд хомашёларни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйишда эркин иқтисодий зоналар алоҳида аҳамият касб этади.**

Шу боисдан, мамлакатимизда мазкур йўналишга етарлича эътибор қаратилаётир. Мустақиллик йилларида “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах” эркин иқтисодий зоналари барпо этилди. Бугунги кунда улар юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини йўлга қўйиш, ҳудудларда замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Президентимизнинг “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этишга қаратилган фармони бу борадаги тизимли ишларнинг мантиқий давоми бўлиш баробарида, тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларга янада қулай имконият ва имтиёзлар беришда муҳим қадам бўлди.

Фарғона вилоятидаги саноат корхоналари, иқтисодиётнинг реал сектори вакиллари – тадбиркорлик субъектлари томонидан тайёрланаётган товар ва маҳсулотларнинг тури ҳозирда 500 дан ортиб кетди. Авваллари ҳудуд учун ноанъанавий бўлган машинасозлик ва автомобилсозлик, электротехника жиҳозлари, озиқ-овқат товарлари, пойабзал ва чарм-галантерия, гилам тўқиш тармоқлари охирги йилларда тезкорлик билан ривожланиб бормоқда. Жумладан, Фарғонадаги “Сунъий чарм” ҳамда Қўқондаги “Кўнчи” корхоналари молиявий соғломлаштирилди, техникавий янгиланиб, улар негизида “Ўзбекчармсаноат” уюшмаси тасарруфига кирувчи турдош корхоналар шакллантирилди. Европанинг чарм саноати тизимидаги илғор технологиялар билан жиҳозланган мазкур ишлаб чиқариш қувватларида нафақат терини бирламчи қайта ишлаш, балки ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

“Имано групп”, “Болажон”, “Сабо”, “Болажон орзуси”, “Узсаламан”, “Кофра”, “Кибо” брендлари остида тайёрланаётган пойабзаллар айнан шу саъй-ҳаракатлар туфайли юзага чиқди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Риштон туманида бўлиб ўтган сайловолди учрашувида Қўқон шаҳрида ҳам эркин иқтисодий зона ташкил этиш ташаббусини олға сурганди. Яқинда қабул қилинган фармон эса вилоят иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга катта туртки бўлади.

Янги эркин иқтисодий зонада мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, гилам тўқиш, пойабзал ва чарм-галантерея, экологик жиҳатдан хавфсиз кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари ва бошқа йўналишларда замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилади. Бундан ташқари, иқтисодий зона ҳудудда ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятларидан комплекс ва самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари очиш, пировардида, аҳоли даромади ва турмуш фаровонлигининг янада ўсишига олиб келади. Бу ерда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектларига турли имтиёз ва қулайликлар тақдим этилиши хусусий сектор вакилларига лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишлари йўлида муҳим омил бўлади.

Айни пайтда “Қўқон” эркин иқтисодий зонасида барпо этиладиган корхоналар, тадбиркорлар ва инвесторларга бериладиган қулайлик ҳамда имтиёзлар очиқ мулоқотлар орқали аҳолига тушунтирилмоқда. Хусусан, корхоналарга инвестиция миқдорига қараб, 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши янгидан иш бошлаган тадбиркорларга катта енгиллик туғдириши табиий.

Ишлаб чиқариш корхоналари ер солиғи, даромад солиғи, мол-мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўловларидан, мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалардан тўлиқ озод қилинади. Божхона тўловлари учун бериладиган имтиёзлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

“Қўқон” эркин иқтисодий зонасининг умумий майдони 700 гектардан иборат бўлиб, электр, газ, ичимлик суви тармоқлари, коммуникация воситалари билан тўлиқ таъминланади. Тадбиркорлар учун барча қулайликлар яратилади.

Ҳозирги кунда мазкур ҳудуд тадбиркорлар, сармоядорлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Жараёнга мутахассислар, олимлар ҳам жалб қилинган.

– Институтимиз жамоаси томонидан тайёрланган инновациялар, ишланмалар билан Республика инновацион ярмаркаларида мунтазам қатнашиб келяпмиз, – дейди Фарғона политехника институтининг илмий ишлар бўйича проректори Омонжон Сулаймонов. – Илмий ғояларимизни бундан буён эркин иқтисодий зонадаги корхоналарга татбиқ этиб, юртимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшиш ниятидамиз. Институтимиз олим ва илмий тадқиқотчиларининг изланишлари “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлишига ишонамиз.

Яқинда вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирга вилоятнинг барча ҳудудларидан тадбиркорлик субъектлари вакиллари “Қўқон” эркин иқтисодий зонасини шакллантиришда қатнашишга таклиф этилди. Уларга мазкур иқтисодий ҳудудда яратиладиган қулайликлар, имтиёз ва афзалликлар ҳақида тушунчалар берилди.

Аҳоли зич жойлашган Фарғона вилояти учун ушбу иқтисодий ҳудуднинг ташкил этилиши ҳудуд иқтисодиётини янада ривожлантирибгина қолмай, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари очиш ва аҳоли фаровонлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлади.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

**Сирдарё** вилояти

# ҲУДУДИЙ КЎРГАЗМА: АСОСИЙ МАҚСАД ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ховос туманида ташкил этилган “Тадбиркор – Бунёдкор: Ховос – 2017” янги технологиялар ва ускуналар ҳудудий кўргазмаси тадбиркорликни янада ривожлантириш, янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришнинг истиқболли йўлларини белгилаб беришга хизмат қилди.




Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, тадбиркорлар, кўп тармоқли фермер хўжаликлари раҳбарлари, мутахассислар ва бошқалар иштирок этган мазкур биринчи ҳудудий кўргазмада кичик бизнес ва ишлаб чиқариш корхоналари учун ускуна ва технологиялар етказиб берувчи 35 та корхона ҳамда савдо уйлари 150 турдан ортиқ жиҳозларини таклиф этишди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар республикамизда биринчи бўлиб туманлар кесимида ташкиллаштирилган бу кўргазма тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорларнинг эркин фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Айниқса, “Agralis”, “Milk tex profi”, “Culshana textile invest”, “Viniks”, “Баҳромжон Нур савдо” каби корхона ҳамда савдо уйларининг арзон, замонавий ускуна ва технологиялари кўпчиликка манзур бўлди.

Кўргазма уч босқичда ташкил этилди. Дастлаб тадбиркорлар ва коллеж битирувчилари янги жиҳозлар, технологиялар билан танишиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирганлар ушбу асбоб-ускуналарни сотиб олиш бўйича шартномалар туздилар. Тижорат банклари эса шу ернинг ўзида имтиёзли кредитлар ажратиб, ёшлар ва тадбиркорлик субъектлари вакилларига молиявий кўмак берди. Кейинги босқичда фермерлар, ўз бизнесини бошламоқчи ва тадбиркорлик фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган аҳоли фаол қатнашиб, савдо уйлари тақдим этаётган таклифлар билан танишдилар.

Жумладан, “Машҳура” ўқув маркази қандолатчилик, бичиш-тикиш, сартарошлик, компьютер сабоқлари бўйича ёшлар, уй бекалари билан шартномалар тузиб, туманда ўқув курсларини очиш борасида алоҳида гуруҳларни шакллантирди.

– Ушбу кўргазмада қатнашиб, келин-куёв салонини очишга қарор қилдим, – дейди Ховос транспорт касб-ҳунар коллежининг учинчи босқич ўқувчиси Дилафрўз Бегматова. – Тикув машинаси ва салон жиҳозлари сотиб олиш бўйича шартнома туздим. Тижорат банклари имтиёзли кредит ажратиб, тадбиркорлик фаолиятимни ривожлантиришимга кўмаклашди. Президентимиз томонидан биз, ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, қишлоқларда янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганидан мамнунмиз.

– Анча йил олдин Ховос туманидаги Туркистон маҳалласида нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини қуриб, ишга туширгандим, – дейди шу маҳаллада яшовчи тадбиркор Шамсиддин Шерқўзиев. – Эндиликда цехимиздаги ускуналар эскириб, чиқараётган маҳсулотларимиз бозор талабидан орқада қолаётганди. Кўргазмада замонавий асбоб-ускуналарни таклиф этаётган фирмалар билан янги технология сотиб олиш бўйича шартнома имзоладик. Корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириб, сифатли нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Шунингдек, писта қадоқлаш цехини ҳам ишга туширамиз. Натижада яна 6 та иш ўрни яратилади.

Ҳудудий кўргазмада ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, янги ускуналар сотиб олиш юзасидан юзга яқин шартномалар имзоланди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

**Қорақалпоғистон** Республикаси

**Нукус шаҳрида “Ички ишлар органларининг намунали таянч пунктлари” кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.**

# ЭЛ ХИЗМАТИГА ДОИМО ШАЙ

Мазкур кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг тинч, осуда ва фаровон ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш ишларини такомиллаштиришдан иборатдир. Албатта, бу ички ишлар органлари, давлат бошқарув идоралари ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида мамлакатимизда изчил ишлар амалга оширилаётир.

Қизғин баҳсларга бой бўлган танловда Элликқалъа тумани “Тоза боғ” овул фуқаролар йиғинидаги 196-сонли ички ишлар органларининг таянч пункти биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, Нукус шаҳрининг “Наупир” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 203-сонли ички ишлар органларининг таянч пункти иккинчи ўринга, Кегайли тумани “Жалпақ жап” овул фуқаролар йиғинидаги 78-милиция таянч пункти эса учинчи ўринга муносиб кўрилди.

– Мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида умумий жиноятлар сонининг камайишига эришилмоқда, – дейди Мўйноқ тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, капитан Айжамал Наменова. – Бунда давлатимизнинг соҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ёрдами катта бўлмоқда.

Шунингдек, танловда “Энг маҳоратли профилактика инспектори”, “Ёш авлод ҳимоячиси”, “Энг обод ва осуда маҳалла раиси”, “Фидойи маҳалла посбони”, “Маърифатпарвар маслаҳатчи” каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

